RESEARCH CENTRE FOR ISLAMIC HISTORY,
ART AND CULTURE
**ИСЛОМ ТАРИХИ, САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ
ТАДҚИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ**

AL-BIRUNI INSTITUTE
OF ORIENTAL STUDIES
**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

Proceedings of the 18th International Academician Ubaydulla Karimov Conference of Young Orientalists

CURRENT CONDITIONS OF THE PRESERVATION AND RESEARCH OF ANCIENT WRITTEN SOURCES

August 2022, Tashkent, Republic of Uzbekistan

ҚАДИМИЙ ЁЗМА МАНБАЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

мавзуида 2022 йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтган ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XVIII халқаро конференция мақолалар тўплами

Istanbul 2024



OIC | Organisation of Islamic Cooperation
IRCICA | Research Centre for Islamic History, Art and Culture
Alemdar Cd., No 15, Bâbıâli Girişi 34110 Cağaloğlu, İstanbul, Türkiye
Phone | +90 212 402 00 00 Fax +90 212 258 4365
ircica.org ircica@ircica.org
Certificate no. : 75350

Proceedings of the 18th International Academician Ubaydulla Karimov Conference of Young Orientalists Current Conditions of the Preservation and Research of Ancient Written Sources

Sources and Studies on the History of Islamic Civilisation Series; no. 57
© Copyright | IRCICA 2024
ISBN 978-92-9063-439-3
Istanbul 2024

Cataloguing in Publication Data

Ubaydulla Karimov International Conference of Young Orientalists on Current State of the Preservation and Research of Ancient Written Sources (18th: 2022: Tashkent, Uzbekistan)

Proceedings of the 18th International Academician Ubaydulla Karimov Conference of Young Orientalists: Current Conditions of the Preservation and Research of Ancient Written Sources, August 2022, Tashkent, Republic of Uzbekistan = Қадимий Ёзма Манбаларни Мухофаза Қилиш Ва Тадқиқ Этишнинг Долзарб Масалалари: мавзуида 2022 йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтган ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XVIII халқаро конференция мақолалар тўплами / edited by Mahmud Erol Kılıç and Bakhrom Abdukhalimov; prepared for publication by Ashirbek Muminov... [et al.].- Istanbul: Research Centre for Islamic History, Art and Culture, 2024.

480 p.: ill.; 24 cm.- (Sources and Studies on the History of Islamic Civilisation Series; No. 57).

Includes bibliographical references.

Text in Uzbek, Turkish and Russian; abstracts in English.

ISBN 978-92-9063-439-3

1. Manuscripts--Uzbekistan--Congresses. 2. Islamic civilization--Uzbekistan--Congresses. 3. Karimov, Ubaydulla, 1920-1997--Congresses. I. Kılıç, Mahmud Erol, 1961- II. Abdukhalimov, Bakhrom. III. Muminov, Ashirbek. IV. Title. V. Series.
091.09587--dc22

Edited by: Prof. Mahmud Erol Kılıç, Prof. Bakhrom Abdukhalimov
Prepared for Publication by: Prof. Surayyo Karimova, Akbar Idiev, Prof. Ashirbek Muminov, Yekta Zülfikar, Abdusattor Jumanazarov, Oysara Madalieva
Page Layout: Selahaddin Uygur
Printing and Binding: www.bilnet.net.tr

МУНДАРИЖА

КИРИШ
Проф. Д-р Маҳмуд Ерол Кылыч **13**

ЎЗБЕКИСТОНДА ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ
Проф. Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович **15**

XULOSA 19

АННОТАЦИЯ 20

ОПЫТ РАБОТЫ НАСРАЛЛАХА АТ-ТАРАЗИ ПО КАТАЛОГИЗАЦИИ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИХ ФОНДОВ В ЕГИПТЕ
Муминов Аширбек & Байыр Дидар **21**

DUBLET FONDI QO‘LYOZMALARI TAVSIFIGA DOIR
Faromarzi Fayzullo **26**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДАГИ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ
Султонов Ўктамбек Абдулғаниевич **32**

МУЗЕЙ КУТУБХОНА ФОНДЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ
Идиев Акбар **38**

ҚЎЛЁЗМА ДЕВОНЛАРНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ
Эшонова Салимахон Нишонбек қизи **43**

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯ МАРКАЗИДАГИ МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИГА ДОИР ЯНГИ МАНБАЛАР
Ғофуров Азимжон Шарипович **49**

ИСЛОМДА ИНСОН ҚАДРИ ВА МАҚОМИ
Усманов Маҳаммадсидиқ Абдуманнонович **53**

МОВАРОУННАҲР ҚОЗИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ: “АРХИВ”ДАН “КУТУБХОНА” КИТОБ МАТНЛАРИГА КЎЧИШИ
Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович **58**

ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ: АНЪАНАВИЙ УСЛУБЛАРДАН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ЎТИШ
Миркомилов Эркин & Умарова Муяссар **65**

АҲОЛИ ҚЎЛИДА САҚЛАНАЁТГАН НОЁБ МАНБАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ АМАЛИЁТИ: АСОС, БОСҚИЧ ВА МУАММОЛАР
Исламов Шарифжон & Шарипов Бекзоджон **72**

НОДИР ҚЎЛЁЗМА АСАРНИНГ РЕСТАВРАЦИЯ ЖАРАЁНИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ
Ходжаева Башорат Зафаржоновна **76**

НОЁБ ҚЎЛЁЗМА АСАР МУЛЯЖИ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?
Аминов Санжар Сирожжиддин ўғли **80**

БУЮК БРИТАНИЯ ВА ФРАНЦИЯ КУТУБХОНАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ТУРКИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАР ХУСУСИДА
Джуманиёзова Феруза Джуманазаровна **84**

SULTAN ŞÂHRUH’UN HAZİNE MÜHRÜ BASILAN ESERLER ÜZERİNDE BİR DEĞERLENDİRME
Makhmudjonova Gulzoda **88**

ДОМЛА ИКРОМНИНГ “РИСОЛАЙИ ФОРСИЯ ДАР БАЁНИ ВУЖУБИ САТРИ НИСО” АСАРИ ҲАҚИДА
Жамолова Дилноза Муйидиновна **94**

«ТАРЖУМОН АЛ-ҚУРЪОН» АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ ТАВСИФИ
Мустафаев Достон Шухратович **99**

ДАГЕСТАН – ЖЕМЧУЖИНА АРАБСКОЙ РУКОПИСНОЙ ТРАДИЦИИ НА СЕВЕРНОМ КАВКАЗЕ
Исмаилова Алмаз Мусаевна **103**

“ФАТОВОИ ХОНИЯ” АСАРИНИНГ МУХТАСАРИ ҲАҚИДА
Мамашикуров Бекназар Бобомурадович **112**

ИБН СИНО – СЕВИЛЬЯ ВА ҚУРТУБА ШОҲИ
Маҳмудов Отабек Валижонович **117**

МУСТАМЛАКА ДАВРДА ПАХТАЧИЛИККА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ТАСНИФИ
Мирзаев Авазбек Толибжонович **125**

ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАДҚИҚИДА МЕТРОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ
Нарзуллаева Ниҳола Абдурахмановна **128**

АБУЛҒОЗИХОННИНГ “ШАЖАРАЙИ ТУРК” АСАРИ ЕВРОПА ШАРҚШУНОСЛИГИДА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА СИФАТИДА
Тошов Нурёғди Искандарович **131**

МУЛЛА ШАМСИДДИН ШАВҚИЙНИНГ “ТАРИХ-И ШАВҚИЙ” АСАРИ
Қўлдашев Шерали Темиралиевич **138**

“КАШФ АЗ-ЗУНУН” АСАРИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК ФАҚИҲЛАР ҲАҚИДА
Маҳкамова Дилёра Шавкатовна **143**

“МАВОҲИБИ АЛИЙЯ”НИНГ ФАКСИМИЛЕ НАШРИ ҲАҚИДА
Лутфиллаев Ҳамидилло Муродиллаевич **150**

ИСТОЧНИКОВЕДЧЕСКИЙ АНАЛИЗ «ЛАТА’ИФ АЛ-АМСАЛ» РАШИДУДДИНА ВАТВАТА
Анварова Маърифат Нарзуллоевна **157**

“РАБИЪ АЛ-АБРОР” АСАРИНИНГ ТУРКИЯ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ХУСУСИДА
Тўраев Лазиз Абдивали ўғли **164**

РОЛЬ КЛИНОПИСНЫХ ДОКУМЕНТОВ ИЗ КЮЛЬТЕПЕ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ ДРЕВНЕЙ АНАТОЛИИ
Шалдарбекова Ажар Беккеновна **169**

TİMUR DÖNEMİ NEBATÎ NAKIŞLARI: SEMERKAND TUMAN AKA MAKBERESİ VE BURSA YEŞİL CAMİİ
Akyüz Merve **175**

САЪДИЙ “ГУЛИСТОН”ИНИНГ ТУРКИЙ ТИЛДАГИ ЯНГИ ТАРЖИМАСИ (XIV АСР ОХИРИ – XV АСР БОШИ)
Эркинов Афтондил Садирханович **179**

FRANSUZ SHARQSHUNOSLIK MAKTABLARI TARIXIDAN
Ostonov Jahongir **184**

ТОЖИК ОЛИМЛАРИНИНГ МУҲАММАД ҲАКИМХОННИНГ “МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ” АСАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАРИ
Абдукаримов Джамолиддин Аҳмадалиевич **189**

КУШОН ИМПЕРИЯСИ ВА ХАН, ВЕЙ СУЛОЛАЛАРИ МУНОСАБАТЛАРИ
Азимов Хуршид Хакимович **194**

СЕРГЕЙ ЮРЕНЕВ МЕРОСИДА БУХОРО ТАРИХИ МАВЗУСИ
Болтаев Аъзам Ҳомидович **198**

АЛ-БАЛОЗУРИЙНИНГ “ФУТУҲ АЛ-БУЛДОН” АСАРИДА ШОШ ФАТҲИНИНГ ЁРИТИЛИШИ
Алимов Зуҳриддин Исамутдинович **202**

«ЖАҲОНГИРНОМА» АСАРИДА БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИ ВА МОВАРОУННАҲР МУНОСАБАТЛАРИ
Йўлдашев Ботир Ўролович **207**

ВОСТОЧНЫЕ НАРОДЫ НА СТРАНИЦАХ «ПОВЕСТИ ВРЕМЕННЫХ ЛЕТ»
Пилипчук Ярослав Валентинович **210**

АМИР ТЕМУР ШАХСИГА ОИД ТАРИХИЙ ТАСАВВУРЛАР ТАҲЛИЛИ
Султонов Комилжон Аслонович **220**

УБАЙДУЛЛАХОННИНГ ШАЙБОНИЙХОН ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ
Файзуллаев Фаррух Эшқабулович **227**

“ТАФҲИМ” АСАРИДА КЕЛТИРИЛГАН ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР
Куранбаева Умида Султанназаровна **232**

АМУДАРЁНИНГ ИРМОҚЛАРИ ВА ЧОРРАҲАЛАРИ “БОБУРНОМА”ДА
Шарипов Азизжон Азимович **239**

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СОСТАВЛЯЮЩАЯ «БОЛЬШОЙ ИГРЫ»: ТУРКЕСТАН В РАБОТАХ АНГЛОЯЗЫЧНЫХ АВТОРОВ
Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич **253**

“AL-OSOR AL-BOQIYA” ASARINING O‘RGANILISHI MUAMMOLARI
Usmonov Husan Toshtemirovich **261**

РОЛЬ УБАЙДУЛЛА-ХАНА В РАЗВИТИИ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ШЕЙБАНИДАМИ И ОСМАНАМИ
Разаков Фаррух Абдумўминович **267**

ФИТРАТНИНГ “ДЕВОНУ ЛУҒОТИ-Т-ТУРК” ГА ОИД МАНБАШУОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИ
Сатторова Зилола Исмаиловна **274**

“АМУДАРЁ БЎЛИМИ ДЕВОНХОНАСИ” ҲУЖЖАТЛАРИДА ЎЛКА СОЛИҚ ТИЗИМИ
Абдухалилова Азиза Эркиновна **281**

BOYMIRZA HAYITNING “TURKISTON: RUSIYA VA XITOY ORALIG‘IDA” KITOBI MUHIM MANBA SIFATIDA
Tojiyev Dostonjon Beknazar o‘g‘li **287**

СУФИЙСКИЕ И КОРАНИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В “ДИВАНЕ” ДЖАХАНШАХА ХАГИГИ КАРАКОЮНЛУ
Гаджиева Кёнюль Гамидовна **293**

НАВОИЙНИНГ XVI АСРГА ОИД “ТЕРМА ДЕВОН”ЛАРИ ТАРКИБИ: ҒАЗАЛДАН БОШҚА ЖАНРЛАРИ ТАДҚИҚИ
Мадалиева Ойсара Рустамовна **298**

XVI-XVII АСР МАНБАЛАРИДА МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН АДАБИЙ КЕЧАЛАРИ
Қораев Шерхон Пўлатханович **323**

“MAORIF VA O‘QITG‘UVCHI” JURNALIDAGI NAZMIY ASARLARNING GRAFIK SHAKLLANTIRILISHI
Soatova Gulzoda Nurmamat qizi **332**

ДЎСТМУҲАММАД ФИРОҚИЙНИНГ ТУРКИЙ ДЕВОНИГА ОИД АЙРИМ МУХАММАСЛАР ХУСУСИДА
Зокирова Дурдона Собиржон қизи **339**

“ҚАЛОИДУ-Л-АДАБ”ДА ШАРҚОНА АХЛОҚНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ
Шерова Мавзуна Маъмуровна **344**

КУЛ ТИГИН ВА БИЛГА ХОҚОН БИТИГЛАРИДА КЕЧГАН ХОҚОН СЎЗИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛИ
Содиқов Қосимжон Позилович **350**

МОНИЙ ХАТИНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ МАТНЛАРГА МОСЛАШУВИ МАСАЛАСИ
Алимухамедов Рихситилла Абдурашидович **354**

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛАР ҲАҚИДА ЛИНГВИСТИК ВАСИЯТИ
Каримов Бахтиёр Раҳманович **360**

АЛИ САФИ КОШИФИЙ ҲАРАВИЙ – МОҲИР ХАТТОТ ВА ХОС КОТИБ (“ШАРҲ-И ФУСУС АЛ-ҲИКАМ” АСАРИНИНГ НУСХАСИ МИСОЛИДА)
Умурзоқов Баҳриддин Сафарович **365**

ЗАМОНАВИЙ АРАБ ВА ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИДА “ЮСУФНОМА” МАВЗУСИ
Мухиддинова Дилафруз Зуҳриддиновна **371**

ЎРТА АСР МУСУЛМОН ОЛИМЛАРИНИНГ МЕРОСИ ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИК ОБЪЕКТИ СИФАТИДА
Абдупаттаев Мумин Мирзо Муроджон ўғли **376**

“МИЪЁР АТ-ТАДАЙЙУН” АСАРИДА ИЙМОН МЕЗОНЛАРИ ВА ДИНИЙ НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСЛУБЛАРИ
Наимов Исмат Нусратиллоевич **385**

ИСЛОМДА БИЛИМЛАР ТРАНСМИССИЯСИ: ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ АДАБИЁТ ВА ДИН ТАЪЛИМИ ДАРСЛИКЛАРИ
Халилова Зилола Эркиновна **395**

«ШАРҲ АТ-ТАЪАРРУФ» ҚЎЛЁЗМАЛАРИ: ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ РИВОЖИДАГИ РОЛИ
Раҳимов Комилжон Раҳматович **401**

ШАРҚ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИНИ АСРАШГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР
Қориев Одилжон Аҳмаджонович **413**

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙНИНГ “ХАМСА” ДОСТОНИГА ИШЛАНГАН МИНИАТЮРАЛАРДА СЮЖЕТ ВА ОБРАЗЛАР БАДИИЙ ТАЛҚИНИ
Рахматуллаева Асалхон Гайратовна **418**

АБРИ БАҲОР САНЪАТИНИНГ ҚАЙТА УЙҒОНИШИ (Муқовасозлик санъати мисолида)
Саидова Нодира Ғанишер қизи **426**

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ХАЗИНАСИДАГИ МЎЪТАБАР ҚЎЛЁЗМАЛАР ВА НАФИС МЎЪЖАЗ РАСМЛАРНИ ЎРГАНИШ
Мадраимов Абдумажид Абдураимович **432**

ОТЧЕТЫ ДОМОВ-МУЗЕЕВ ТАШКЕНТА КАК ИСТОРИЧЕСКИЙ ИСТОЧНИК
Муродов Абдували Мухтор угли **439**

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ИСБОТ АЛ-‘ИЛАЛ” АСАРИДАГИ ФИҚҲИЙ ҚАРАШЛАРИ ТАҲЛИЛИ447
Усмонов Иброҳим Собирович **447**

АВТОРЛАР 457

ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР 461

ANALYSIS OF ACTIVITY OF MUSEUMS LIBRARY FUNDS (THE CASE OF THE STATE MUSEUM OF FERGANA)

МУЗЕЙ КУТУБХОНА ФОНДЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ (Фарғона давлат музейи мисолида)

Idiev Akbar
Идиев Акбар

The Museum of History and Culture of Fergana Region is one of the museums in Uzbekistan with a large library fund. This article analyzes the preservation, condition and shortcomings of written documents (manuscripts, lithographs, book fragments, documents, sources and literature in different languages, etc.) stored in this Museum and develops the necessary recommendations.

Museums in Uzbekistan are spiritually enriched over the years and are constantly expanding. Today, the museums of various directions and branches, have library funds.

Ўзбекистонда қатор музейлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар йил давомида ташриф буюрувчиларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилиб келмоқда. Юртимиз музейлари 130 йиллик тарихга эга. Тарихий маълумотларга кўра, 1917 йилгача Тошкентдаги биринчи ва ягона музей Тошкент музейи бўлган. 1917 йилдан кейин турли ихтисосликдаги кенг экспозицияларга эга бўлган музейлар ташкил этила бошлаган. Манбаларда қайд этилишича, 1918 йил князь Н.Романов саройида унинг мусодара қилинган коллекцияси асосида Бадиий музей (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат музейи), 1921 йил Эски шаҳар музейи, 1926 йил Ўзбек эски шаҳар музейи ташкил қилинган. Маданий тараққиёт янги музейлар ташкил қилиш ва мавжуд музейларни қайта жиҳозлаш зарурлигини тақозо этган. Ўрта Осиё музейининг геология, зоология, ботаника ва антропология бўлимлари, қишлоқ хўжалиги музейи ва ҳайвонот боғи Табиат музейига айлантирилган. Республика кўргазмалари негизида Политехника музейи (1933), Амалий санъат музейи (1937, 1937-1991 йилларда Амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси) ташкил қилинди, Адабиёт музейи тузилди. Музейлар йиллар давомида маънан бойиб, мунтазам кенгайиб бораверади. Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида мунтазам фаолият юритаётган турли йўналиш ва соҳа музейлари ташриф буюрувчиларни мамнун қилиб келмоқда.

Юртимиздаги шундай йирик фондга эга музейларидан бири Фарғона вилояти тарихи ва маданияти музейи саналади. Ушбу мақолада айнан шу музейда сақланаётган ёзма ҳужжатлар (араб алифбосида сақланаётган қўлёзма, тошбосма, парча, ҳужжатлар, турли тиллардаги манба ва адабиётлар в.б.) сақланиши, ҳолати ва бу борада йўлга қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди ва зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дунёдаги барча давлатлар ўз тарихи ва маданиятини келгуси авлодга етказиш, бугунги авлодни юрт тарихи, маданияти ва санъати билан танитишга алоҳида урғу беради. Мазкур вазифани амалга оширишда музейларнинг ўрни катта. 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда 105 та музей фаолият кўрсатмоқда [1]. Уларнинг географик жойлашув ареалига қарайдиган бўлсак улар Республикадаги

барча маъмурий бирликларда мавжуд. Вилоят тарихини ўзида акс эттирган музейлар вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи номи остида фаолият юритади. Улардаги музей фондининг шаклланишига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг аксарида ёзма ҳужжатлар фонди шакллантирилган.

Фарғона вилоятида бугунги кунда 11 та музей фаолият кўрсатмоқда, шулардан музей фонди бой бўлган музейлардан бири 1985 йилда ташкил топган, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 26 уй манзилда жойлашган Фарғона вилояти тарихи ва маданияти музейи ҳисобланади [2].

Мазкур музейнинг энг йирик фондларидан бири бу ёзма ҳужжатлар фонди саналади, у ўз навбатида яна 3 тоифага бўлинган ҳолда шакллантирилган:

1. Ёзма ҳужжатлар (ПД – писменные документы);
2. Шахсий ютуқлар фонди (НЛД – награда личностей);
3. Илмий-ёрдамчи фонд (НВ – научно-вспомогательный фонд).

Юқоридаги фондларда жами ўн бир минг (11 000) дан ортиқ музей ашёлари сақланмоқда.

Жорий йил ҳисобида шулардан 2229 таси ёзма ҳужжатлар фондида, 7000 дан ортиқ шаҳсий ютуқлар фондида ва бошқалар илмий-ёрдамчи фонд таркибида рўйхатга олинган.

Музей фаолиятида тақдим этилган буюм ва объектларни ҳисобини юритиш ва сақлаш жуда муҳим аҳамиятга эга, бу амаллар икки босқичда амалга оширилади:

1. Буюмни ҳисобга олиш;
2. Инвентар рақам бериш;

Биринчи босқич танланган буюм ҳақиқатан ҳам тарих ёки маданият ёдгорлиги эканлигини, ўрганиш ва музей ва илмий мақсадларда фойдаланиш учун қизиқиш уйғотадими ёки йўқлигини аниқлаш имконини беради [3, 6]. Буюм музей ашёларини экспертизадан ўтказиш ва саралашни амалга оширадиган Фонд ва харид комиссиясига тақдим этилади. Комиссия таркибига турли соҳадаги мутахассислар, экспозиция ва илмий фонд бўлимлари ходимлари киради [4, 285]. Комиссиянинг ижобий қарори билан рўйхатга олиш, уни қонуний равишда музейга топшириш амалга оширилади, бу ҳам давлат ҳисобининг биринчи босқичини ўз ичига олади. Шунингдек, мазкур комиссия унинг қайси фондга кириши борасида хулосани тақдим этади. Аммо музейнинг ёзма фонди билан танишиш жараёнида мазкур қонуният тизимига мос келмайдиган баъзи ҳолатларга дуч келдик мисол учун: 7332/8, 7190/10 инвентар рақамли объектлар ёзма ҳужжатлар фондига кирим қилиниши керак бўлсада, улар шахсий ютуқлар фондига кирим қилинган.

Бу ҳолат ёзма ҳужжатлар фондида ҳам мавжуд мисол учун: пд-1715 (“Навруз” байрамига намунали ва юқори савияда тайёргарлик кўрганликлари ҳамда байрамга бағишлаб ўтказилган энг яхши кўргазма кўрик танловида 2-ўринни эгаллаганликлари учун Ҳ.Ибрагимова номли маҳалла фуқаролар йиғини шаҳар ҳокимининг Фахрий ёрлиғи), пд – 47/2 (Грамота Гданова Энвера от горкома комсомола за участие в Республиканском фестивале молодёжи “Мы патриоты – интернационалисты”. 27 декабря 1972 г. Подписано секретарем горкома (подпись неразборчива), завершено печатью комитета ЛКСМ Уз № 3663.), пд-85 (Грамота соединения, в котором служил Гиязов Усман. Соединение удостоено восемью благодарностями, награждено орденом Суворова 2 степени и поименовано “Днепровским”. 1945 г.), пд-228 (Почетная Грамота Верховного Совета Узб ССР Веры Смирновой. Почетная грамота – лист белой бумаги вложен

в дермантиновую папку красного цвета с золотым тиснением герба Уз ССР. Лист грамоты сложен по вертикали, образуя 4 страницы. В. Смирнова – советская писательница, автор детских книг сборников стихов, переводчица книг известных узбекских авторов. С 1903 г. проживала в Ферганской области в Фергане. 1951 год.). Юқоридаги объектлар рўйхатга олиниш жараёнида "шахсий ютуқлар фонди" (ПЛД) га кирим қилиниши лозим бўлган. Шунингдек, йил якуни бўйича тантанали равишда топширилган ҳисобот шакллари ҳар икки фондда ҳам рўйхатга олинган (ёзма ҳужжатлар фондида 64 дона). Бу ҳолатни биз қозилик ҳужжатларида ҳам учратдик.

Музей коллекцияларини бирламчи ҳисобга олиш учун давлат ҳисобининг асосий ҳуқуқий ҳужжатлари доимий сақлашга (фойдаланишга) қабул қилиш далолатномалари ва кирим дафтарлари ҳисобланади. Қабул қилиш далолатномаси камида уч нусхада тузилади, унга бош сақловчи (бугунги кунда Ўзбекистонда бу лавозим "бош муҳофиз" деб юритилади), фонд сотиб олиш комиссияси қарори қабул қилингунга қадар ашёни сақлаган шахс ва уни моддий жавобгар сақлаш учун қабул қилган ходим имзолайди. Далолатнома музей директори томонидан тасдиқланади, муҳр билан муҳрланади ва абадий сақланади [5, 293]. Далолатнома бухгалтерия ҳужжатининг асл нусхаси бўлиб, нотўғри ёки тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги уни тўлиқ, ҳақиқий эмас, юридик кучини йўқотишига олиб келади [6, 9]. Шу сабабли, далолатномани тузишда энг юқори талаблар қўйилади. Музейда айнан шу жараёнлар ҳам юқорида белгиланган талаблар асосида шакллантирилиши лозим. Лекин музей фонди шакллантирилиши жараёнида баъзи фондда сақланаётган аммо рўйхатга олинмаган икки объектга (Фиқҳга оид қўлёзма, иккинчиси Муҳаммад (С.А.В.) ва халифалар силсиласига оид манба муқоваси) дуч келинди.

Шу билан бирга, музейда шарқ қўлёзмаларидан 20 га яқин, 30 дан ортиқ тошбосма, 550 га яқин турли ҳужжатлар сақланмоқда.

Қўлёзмаларнинг асосий қисми шеърият ва фиқҳга оид саналади. Тошбосма асарларнинг ҳам аксарияти асосан классик форс, араб ва ўзбек тилларида нашр этилган шеърий асарлар, фиқҳий асарлар, тарихий асарлар учрайди. Уларнинг даврийлик чегараси асосан XIX-XX аср бошларини ўз ичига олади.

Ҳужжатларнинг энг ноёби сифатида пд-1729 инвентар рақамли ҳужжатни алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу ҳужжат Қўқон қоғозига ёзилган бўлиб, бу ҳужжат Қўқон хони Мадалихон (1822-1841) томонидан Тошкент волийсига юборган ҳукми. Мадалихоннинг ноксимон шаклдаги муҳри босилган. Хужжат форс тилида ёзилган (1255 ҳижрий/милодий 1839 йил). Фондда сақланаётган энг кўп ҳужжатлар ер тўғрисида (васиқа) бўлиб, ундан ташқари арзнома, талоқ тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам учрайди.

Ёзма ҳужжатлар фондини кўздан кечириш давомида қуйидаги хулосаларга келинди: Фондда мавжуд объектлар тематик жиҳатдан тўғри тақсимланмаган. Фондда мавжуд ноёб қўлёзмалар сақланиш ҳолати қониқарли даражада эмас (бино ертўла қисмида жойлашганлиги сабабли, намлик мавжуд). Мавжуд ёзма ҳужжат (манба ва адабиётлар) тематик жиҳатдан қайта шакллантирилиши лозим.

Фондда мавжуд объектлар (ҳужжат, китоб ва бошқалар) ўлчамини ўлчашда яхлитлашдан фойдаланилганлигига гувоҳ бўлдик, аммо шундай бўлишига қарамасдан ўлчамлар ўртасидаги тафоввут 1 см дан юқори бўлган ҳолатлар учрайди. Шу сабабдан, фонд қайта шакллантирилаётган вақтда уни ўлчаш

мезонларига аниқлик киритиб олиш ва қайта ўлчаш (махсус ўлчагич ёрдамида) лозим ва бу бўйича ходимларга тушунтириш бериш мақсадга мувофиқ.

Тавсифлар кўздан кечирилаётган вақтда улар аниқ бир мезон асосида шакллантирилмаганлигига гувоҳ бўлинди.

Ёзма ҳужжатлар фонди қуйидаги қайта бўлинишини таклиф қиламиз:

1. Хатлар;
2. Фахрий ёрлиқлар;
3. Ҳужжатлар;
4. Тошбосма манбалар;
5. Қўлёзма манбалар;
6. Хорижий тилдаги адабиётлар;
7. Маҳаллий тилдаги адабиётлар.

Манбаларнинг умрбоқий қилиш мақсадида сўнгги йилларда қатор фондга эга муассасалар рақамлаштириш жараёнини бошлаб юборган, музейда сақланаётган манбалар ҳам сақланиш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қисқа вақт ичида рақамлаштириши тавсия этилади.

Шунингдек, республикадаги музейлар ICOM[1] ва ICOFOM[2] томонидан музейларда фондларни юритиш сақлашга оид бўлган йўриқномалар ва тавсиявий материаллар [7-8] билан музейнинг илмий ва илмий бўлмаган фонд ходимларини доимий ўқитиб бориш, фонддан фойдаланиш йўриқномасини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Комилова М. Ўзбекистонда нечта музей бор? // https://uza.uz/posts/267747
2. Фарғона вилоятидаги музейлар тўғрисидаги маълумот // https://fergana.uz/site/view/news/663
3. Лашкевич Л. В. К вопросу о научной обработке музейных предметов в процессе их учета // Актуальные проблемы фондовой работы музеев. Москва, 1981. Вып. 91. С. 3–40.
4. Галкина Е. Л. Комплектование музейных фондов // Российская музейная энциклопедия: в 2 т. Москва, 2001. Т. 1. С. 285.
5. Каталог этнографических фотографий И. С. Фатеева с р. Тыма 1938 и 1940 гг. из фондов Колпашевского и Томского краеведческих музеев / авт.-сост. Ю. К. Рассамахин, Я. А. Яковлев. – Томск: Издательство Томского университета, 2004. – 106 с.

1 Халқаро музейлар кенгаши, ICOM (инглизча – International Council of Museums, инглиз тилидаги аббр. ICOM) – 1946 йилда Парижда (Франция) ташкил этилган нодавлат профессионал халқаро ташкилот. ICOM ЮНЕСКО ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашида «А» тоифасидаги энг юқори маслаҳатчи мақомига эга ICOM музейлар ва музей мутахассисларининг жамият ва жаҳоннинг табиий ва маданий меросини, бугуни ва келажаги, моддий ва номоддий меросини сақлаш, ривожлантириш ва ўзаро ҳамкорлигига бағишланган халқаро ташкилотидир.

2 ICOFOM – музейшунослик мунозаралари учун халқаро форумдир. Кенг маънода, музейшунослик назарий жиҳатдан маданиятимиз ва табиий меросимизни "инсон - объект" ўзига хос муносабатлари содир бўладиган ижтимоий контекст билан ифодалаш, талқин қилиш, ўзаро таъсири билан боғлиқ ҳар қандай индивидуал ёки жамоавий инсон фаолияти билан боғлиқ. Манба: https://icom-russia.com/data/mezhdunarodnye-komitety/ikokom/

6. Селькупская этнографическая коллекция Колпашевского краеведческого музея: каталог / авт.- сост. А. А. Пихновская. – Томск: «Ветер», 2007. – 279 с.
7. Olivia Guiragossian. 2021 ICOFOM Survey results for a new definition as part of the third step of the ICOM Define Methodology: Consultation 2. 2021.
8. Olivia Guiragossian and Lynn Maranda. Propositions by ICOFOM as part of the ICOM Define Methodology: Consultation 3. 2021.